



17 “ О К Т Я Б Р Ъ ” 2017 й. г. № 839

Тошкент ш. – г. Ташкент

**Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан
шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат
фаолиятини янада рағбатлантириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон қарори ижроси юзасидан, шунингдек докторантларни ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларга бириктириш ҳамда узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш орқали уларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун зарур шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида” 2016 йил 21 октябрдаги ПҚ-2639-сон ҳамда “2017-2020 йилларда шаҳарларда арзон кўп квартирали уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш дастурини амалга оширишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сон қарорларида (кейинги ўринларда дастурлар деб аталади) назарда тутилган тартибда ва маблағлар ҳисобидан узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари (кейинги ўринларда ипотека кредити деб аталади) беришнинг қуйидаги шартлари белгиланганлиги маълумот учун қабул қилинсин:

шаҳарларда кўп квартирали арзон уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдордаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорда 20 йил муддатга берилди, бунда дастлабки бадал квартира қийматининг 25 фоизини ташкил этади;

қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун – 3 йиллик имтиёзли давр ва дастлабки 5 йил мобайнида йиллик 7 фоиз миқдордаги фоиз ставкаси билан ва кейинги даврда Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг қайта молиялаштириш ставкаси миқдорда 15 йил муддатга берилди, бунда дастлабки бадал қуйидаги миқдорни ташкил этади:

икки, уч қаватли кўп квартирали (2 ва 3 хонали) уйлар ва 2, 3 хонали бир қаватли уйлар учун – 15 фоиз;

икки қаватли 4 хонали бирлаштирилган уйлар учун – 25 фоиз.

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ таянч докторантуранинг 2-курсидан бошлаб, докторантлар учун ушбу қарорнинг 1-бандида назарда тутилган дастурлар доирасида шаҳарларда кўп квартирали арзон уй-жойлар ҳамда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш ва реконструкция қилиш учун тижорат банкларининг узок муддатли имтиёзли ипотека кредитлари 25 йил муддатга берилади.

3. Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш тартиби тўғрисида низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Фанлар академияси, тасарруфидаги илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида олий таълимдан кейинги таълим институти мавжуд бўлган вазирлик ва идоралар:

Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ докторантларни ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларга бириктирилишини таъминласинлар;

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига 2-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Ж.А. Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлиги бош директори М.Р. Болтабаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**



А. Арипов

**Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан
шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат
фаолиятини янада рағбатлантириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларининг иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3151-сон қарорига мувофиқ докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

таянч докторантура – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

докторантура – Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан молиялаштириладиган, ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда мутахассисликни чуқур ўрганиш ва докторлик диссертациясини тайёрлаш ҳамда ҳимоя қилиш мақсадида илмий изланишлар олиб бориш бўйича фан доктори (DSc) илмий даражаси изланувчилари учун олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларида ташкил этиладиган олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар ихтисосликлари бўйича олий таълимдан кейинги таълим шакли;

докторант – олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасасига таянч докторантура ёки докторантурага белгиланган тартибда қабул қилинган, фалсафа доктори (PhD) ёки фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун изланишлар олиб бораётган шахс;

Идоралараро илмий-техник кенгашлар – Ўзбекистон Республикаси Фан ва технологиялар агентлигида (кейинги ўринларда Агентлик деб аталади) тегишли фан тармоқлари бўйича ташкил этилган илмий-техник кенгашлар;

экспертлар гуруҳлари – Идоралараро илмий-техник кенгашлар ҳузурида фан йўналишлари бўйича ташкил этилган экспертлар гуруҳлари.

2-боб. Докторантларни ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларга бириктириш

3. Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш мақсадида муҳим илмий ютуқларга эришган докторантлар давлат ва хўжалик бошқаруви органлари тасарруфидаги ишлаб чиқариш корхоналари ва ташкилотларга (кейинги ўринларда корхоналар ва ташкилотлар деб аталади) бириктирилади.

4. Агентлик томонидан ҳар йили 15 январгача корхоналар ва ташкилотларга илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлар рўйхатини Агентликка тақдим этиш тўғрисида сўров юборилади.

5. Агентлик сўровига асосан корхоналар ва ташкилотлар ўзларининг илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлари рўйхатини 1 февралгача Агентликка тақдим этади.

Корхоналар ва ташкилотларнинг илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлари рўйхатини шакллантиришда иқтисодийнинг тегишли тармоқ ёки соҳасини республикада амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотлар талабларига мувофиқ янада ривожлантириш истиқболларига устувор аҳамият қаратилади.

6. Агентлик томонидан ҳар йили 5 февралгача корхоналар ва ташкилотларнинг илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлари рўйхати шакллантирилади.

Корхоналар ва ташкилотлар кесимида шакллантирилган эҳтиёжлар рўйхати 5 февралгача Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

7. Докторантларни корхоналар ва ташкилотларга бириктириш Агентлик томонидан ташкил этиладиган танлов натижаларига кўра амалга оширилади.

8. Танлов ҳар йили 10 февралдан 30 февралгача ташкил этилади. Танлов тўғрисидаги маълумотлар танлов бошланишидан камида бир ой олдин оммавий ахборот воситалари, шунингдек, интернет-нашрлар, жумладан Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилинади.

9. Танловда иштирок этиш истагини билдирган докторантларнинг рўйхати улар таълим олаётган илмий-тадқиқот ва ёки олий таълим муассасаси бевосита бўйсунувчи вазирлик ёки идораларнинг расмий хати асосида ушбу Низомнинг 10-бандида белгиланган талабларга мувофиқ тегишли ҳужжатларнинг нусхалари илова қилинган ҳолда Агентликка тақдим этилади.

10. Танловда иштирок этиш истагини билдирган докторантларга қуйидаги талаблар қўйилади:

хорижий тиллардан бирини яхши ўзлаштирган бўлиши ва буни тасдиқловчи тегишли сертификатларнинг мавжудлиги (IELTS (ўртача 5,5 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (PBT) (567 баллдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 баллдан кам бўлмаган) ҳамда камида B2 даражасидаги CEFR (Common European Framework of Reference), Test DaF (Test Deutsch als Fremdsprache für ausländische

Studienbewerber), GOETHE-ZERTIFIKAT, DALF (Diplome approfondi de langue francaise), Давлат тест марказининг малакавий сертификати);

докторлик диссертацияси мавзуси бўйича хорижий нашрларда камида 1 та, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси рўйхатида кўрсатилган соҳавий журналларда камида 2 та илмий мақоласи чоп этилган бўлиши;

докторантлар томонидан бажарилаётган докторлик диссертацияси мавзуси корхоналар ва ташкилотларнинг илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлари рўйхатига мос бўлиши. Бунда докторант ва унинг илмий раҳбари (маслаҳатчиси) томонидан имзоланган асоснома тақдим этилади.

11. Танловга тақдим этилган ҳужжатлар экспертлар гуруҳлари томонидан кўриб чиқилади.

Зарур ҳолларда экспертлар гуруҳлари таркибига нуфузли олим ва мутахассислар ҳамда корхона ва ташкилотларнинг вакиллари жалб этилиши мумкин. Бунда эксперт гуруҳлари таркибининг сони тоқ бўлиши лозим.

12. Эксперт гуруҳлари 10 мартгача танловга тақдим этилган ҳужжатларни ҳар томонлама кўриб чиқиб, Идоралараро илмий-техник кенгашларга тегишли хулоса тақдим этади.

13. Идоралараро илмий-техник кенгашлар эксперт гуруҳлари томонидан тақдим этилган хулоса асосида якуний хулоса ишлаб чиқади ва 15 мартгача Агентликка киритади.

14. Идоралараро илмий-техник кенгашларнинг хулосаси асосида 20 мартгача бўлган муддатда Агентлик бош директори томонидан докторантни корхона ёки ташкилотга бириктириш тўғрисидаги рўйхат тасдиқланади.

15. Танловдан муваффақиятли ўтган докторантни тегишли корхона ёки ташкилотга бириктириш ҳар йили 25 мартгача бўлган муддатда Агентлик, манфаатдор корхона ёки ташкилот ҳамда олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ўртасида тузиладиган уч томонлама шартнома асосида амалга оширилади.

Шартнома уч нусхада имзоланади, биринчи ва иккинчи нусхалар Агентлик ва манфаатдор корхона ёки ташкилотда сакланади, унинг учинчи нусхаси Агентлик томонидан докторант таълим олаётган илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасасига юборилади.

16. Шартномада докторантга корхона ёки ташкилот томонидан яратиб бериладиган шарт-шароитлар (илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш учун хона ва зарур офис жиҳозлари ажратиш, илмий-таҳлилий маълумотлардан фойдаланиш имконияти, моддий рағбатлантириш миқдори), шунингдек докторант томонидан амалга ошириладиган илмий-тадқиқот ишлари режаси ва ундан кутилаётган натижалар аниқ белгилаб олинади.

17. Корхоналар ёки ташкилотларга бириктирилган ҳамда докторлик диссертацияларини ўз муддатида муваффақиятли ҳимоя қилган докторантура битирувчилари Агентликнинг йўлланмаси асосида олий таълим ва илмий-тадқиқот муассасаларига илмий ва илмий-педагогик фаолиятини давом эттириш учун юборилади.

18. Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат фаолиятини янада рағбатлантириш тартиби ушбу Низомга илова қилинган схемага мувофиқ амалга оширилади.

3-боб. Докторантларни моддий рағбатлантириш

19. Корхоналар ва ташкилотларга бириктирилган докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан шуғулланиши учун моддий шарт-шароитлар яратиш мақсадида уларнинг ойлик стипендиясининг 50 фоизигача миқдорда моддий рағбатлантириш ушбу Низомнинг 15-бандида назарда тутилган уч томонлама шартнома асосида корхоналар ва ташкилотларнинг маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Моддий рағбатлантириш тўловлари докторантларнинг корхоналар ва ташкилотларга бириктирилган даври мобайнида амалга оширилади.

20. Докторантларни корхоналар ва ташкилотларга бириктириш муддати якунланганидан сўнг илмий-тадқиқот ишлари хўжалик шартномалари асосида амалга оширилиши мумкин.

4-боб. Якунловчи қоида

21. Ушбу Низом талаблари бузилишига айбдор бўлган шахслар конун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари
билан шуғулланишлари учун моддий шарт-
шароитлар яратиш ва меҳнат фаолиятини янада
рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги низомга
илова

**Докторантларнинг илмий-тадқиқот ишлари билан
шуғулланишлари учун моддий шарт-шароитлар яратиш ва меҳнат
фаолиятини янада рағбатлантириш тартиби
СХЕМАСИ**

Боскич-лар	Субъектлар	Амалга ошириладиган тадбирлар	Бажариш муддатлари
I боскич	1. Фан ва технологиялар агентлиги. 2. Корхоналар ва ташкилотлар.	1. Агентлик томонидан корхоналар ва ташкилотларга илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлар рўйхатини тақдим этиш тўғрисида сўров юбориш. 2. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан ўзларининг илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлари рўйхатини Агентликка тақдим этиш. 3. Корхоналар ва ташкилотларнинг илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларига бўлган эҳтиёжлари рўйхатини шакллантириш ва Агентликнинг расмий веб-сайтида эълон қилиш.	15 январгача 1 февралгача 5 февралгача
II боскич	1. Фан ва технологиялар агентлиги. 2. Вазирлик ва идоралар. 2. Илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасалари.	1. Докторантларни корхоналар ва ташкилотларга бириктириш мақсадида танлов эълон қилиш. 2. Танловни ташкил этиш ва ўтказиш. Танловда иштирок этиш истагини билдирган докторантларнинг ҳужжатларини қабул қилиш.	Танловдан камида 1 ой олдин 10 февралдан 30 февралгача
III боскич	1. Фан ва технологиялар агентлиги. 2. Идораларо илмий-техник кенгашлар. 3. Экспертлар гуруҳлари.	1. Танловга тақдим этилган ҳужжатларни экспертлар гуруҳлари томонидан кўриб чиқиш ва Идораларо илмий-техник кенгашларга тегишли хулоса тақдим этиш. 2. Идораларо илмий-техник кенгашлар томонидан якуний хулоса ишлаб чиқиш ва Агентликка тақдим этиш.	10 мартгача 15 мартгача
IV боскич	1. Фан ва технологиялар агентлиги. 2. Корхоналар ва ташкилотлар. 3. Илмий-тадқиқот ёки олий таълим муассасаси.	1. Агентлик бош директори томонидан докторантни тегишли корхона ёки ташкилотга бириктириш тўғрисидаги рўйхатни тасдиқлаш. 2. Танловдан муваффақиятли ўтган ҳар бир докторантни тегишли корхона ёки ташкилотга бириктириш мақсадида Агентлик, манфаатдор корхона ёки ташкилот ҳамда олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси ўртасида уч томонлама шартнома имзолаш.	20 мартгача 25 мартгача
V боскич	1. Корхоналар ва ташкилотлар. 2. Олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасаси.	1. Корхоналар ва ташкилотлар томонидан уларга бириктирилган докторантлар ойлик стипендиясининг 50 фоизгача миқдорда моддий рағбатлантиришни ташкил этиш. 2. Истикболдаги илмий-тадқиқотлар ва инновация ишларини хўжалик шартномалари асосида амалга ошириш.	Докторант бирикти- рилган давр мобайнида Бириктириш муддати яқунгангач

Вазирлар Маҳкамасининг
2017 йил “17” октябрдаги
839 – сон қарорига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг
айрим қарорларига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 25 майдаги 148-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2009 й., 22-сон, 259-модда) билан тасдиқланган Якка тартибда ҳамда қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қурилишида қатнашувчи тижорат банклари – “Қишлоқ қурилиш банк” АТБ, Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, “Ипотека банк” АТИБ, АТ “Халқ банки”, “Асака банк” АТБ ва “Ўзсаноатқурилишбанк” АТБ томонидан имтиёзли ипотека кредити бериш тартиби тўғрисидаги низомнинг 7-банди қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ипотека кредитлари уч йилдан иборат имтиёзли давр билан таянч докторантуранинг 2-курсидан бошлаб, олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар учун 25 йил муддатга берилади”.

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 16 январдаги 14-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 1-сон, 52-модда) билан тасдиқланган Кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилишни молиялаштириш, шунингдек ёш оилаларга, эскирган уй-жойларда яшаётганларга ва уй-жой шароитларини яхшилашга муҳтож бўлган фуқароларнинг бошқа тоифаларига сотиш тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 38-банд қуйидаги мазмундаги “з” кичик банд билан тўлдирилсин:

“з) таянч докторантуранинг 2-курсидан бошлаб, олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар”;

б) 62-банд “20 йил муддатга” сўзларидан кейин “шунингдек таянч докторантуранинг 2-курсидан бошлаб, олий таълимдан кейинги таълим институтида таҳсил олаётган докторантлар учун 25 йил муддатга” сўзлари билан тўлдирилсин.